6-7 ЁШЛИ БОЛАЛАРНИ МАКТАБ ТАЪЛИМИГА ТАЙЁРЛАШДА МАСЪУЛИЯТ ХИССИНИ ТАРБИЯЛАШ.

Камолахон Усмонова
Избоскан туман 8-МТТ директори

Аннотация

Болаларни мактабда ўқишга тайёрлаш ҳозирги мактабгача таълим муассасаларидаги таълим-тарбия жараёнининг бутун системаси орқали амалга оширилади. 6-7 ёшли болаларини мактабда ўқишга тайёрлаш муҳим ўринни эгаллайди. У мактабгача болаликни якунлайди ва мактабда ўқишга ўтувчи босқич ҳисобланади. Айни шу даврда болалар хулқ-атвори, фаолиятида уларнинг ақлий, маънавий-иродавий ва кўтаринки соҳаларига алоқадор кейинги ўқитишлар учун муҳим бўлган хусусиятлар фаол шаклланиб, масъулият хисси ортиб бориши ушбу мақолада таъкидлаб ўтилган.

Калит сўзлар: Мактабгача таълим ташкилоти, мактабгача ёш, илк болалик, фаолият, мактабга тайёрлов, масъулият хисси, хулқ-атвор.

6-7 ёшли болаларни мактабда ўқишга тайрлаш учун ҳар бир болада масъулият хиссини уйғотиш жараёнида мактабгача таълим ташкилоти тарбиячисининг асосий эътибори барча болаларнинг мактабгача таълим дастурида назарда тутилган мазмунни тўлиқ эгаллаб олишларига қаратилади, Чунки бу мактаб таълимига тўлақонли тайёрлашнинг мажбурий шарти ҳисобланади. Болаларни мактабга тайёрлаш вазифаларидан келиб чиқувчи катта гуруҳлардаги педагогик жараён ўзига хосдир. Бу ўзига хослик мактабнинг таълим-тарбия ишларидан нусха кўчиришгина эмас, балки болаларнинг уларда мактабда муваффақиятли ўқитиш учун зарур бўладиган сифатларни оғишмай шакллантиришга йўлланган фаолият ва хулқ- атворлари ва масъулиятни хис этган холда ёндашиш ахамиятлдир. 6-7 ёшли боланинг ҳар хил фаолиятларида: ўз-ўзига хизмат қилишда, навбатчиликда, табиат қўйнидаги меҳнатида мустақиллик ва масъулият хисси намоён бўла бошлайди. Боладаги мустақиллик ва ташкилотчилик қобилияти тарбиячининг бевосита раҳбарлигида уларнинг ҳамма фаолиятларида шаклланиши билан бирга ўзига нисбатан маъсулият хисси уйғона боради. Масалан: Эрталабки бадан тарбия ва жисмоний машғулотларни бажариш масулият хисси таркиб топади ва ўз ҳаракатларини такомиллаштиришда хоҳиш уйғгонади . 6-7- боланинг жисмоний, ақлий фаоллигини ва иш қобилиятини ўстирувчи ҳаракат фаоллигини ривожлантиришда ўзига нисбатан масъулиятни хис қилиш туйғуси таркиб топиб боради.. Бу ёшдаги болаларни жисмоний машқларнинг спорт турига (сузиш ва шунга ўхшаш) жалб қилиш улардаги масъулият хиссини англашда алоҳида аҳамият касб этади. Болаларнинг асосий ҳаракатини ўстирувчи, жамоатчиликни, жавобгарликни шу билан бирга масъулиятни ҳис этишни, чидамлиликни, мустақилликни, уюшқоқликни тарбияловчи ҳаракатли ўйинлар кун тартибида катта ўрин эгаллайди. Ҳаракатли ўйинларни бошқа машқлар билан алмаштириб бориш ҳамма ҳаракатларни ривожлантиришнинг асосий шартидир. Тўғри ташкил этилган сайр болаларнинг жисмоний ривожланишида муҳим ўрин тутади. Тарбиячи болаларнинг нормал ухлаши ва овқатланишини таъминлаш бўйича ғамхўрлик қилиб боради. Таълимнинг тарбияловчи ва ривожлантирувчи хусусияти ҳозирги замон таълимига хос принципдир. Бу болалардаги билимга қизиқиш ва билиш жараёнларини ривожлантириш масъулиятини уйғотади. Бунинг учун болаларга бериладиган билим, малака, кўникмалар маълум изчиллик билан такомиллаштирилиб борилади. Натижада болалар катталарнинг кўрсатмаси ва намунаси бўйича иш ҳаракатларни бажаришга, олдин эгаллаган билимларини янги фаолиятда қўллашга, ўзининг хулқи, иши, хатти-ҳаракатини назорат қилиш ва тўғри баҳолаш ва масъулият хиссини эгаллаб борадилар. Натижада ҳар бир болада топшириққа онгли муносабат шаклланади. Тарбиячининг тушунтириш ва кўрсатмаларини диққат билан тинглаш, ўз ишида яхши натижага интилиши, маълум тезлик ва изчилликда диққат билан ишлаш малакаси шаклланади, иш қобилияти ортади. Тарбиячи машғулот пайтида ҳар бир боланинг диққати, тафаккури, хотираси, билим ва малака даражасидаги ўзига хос хусусиятлари ва масъулият хиссини англашини эътиборга олади.

Таълим жараёнига алоҳида ёндашиш ақлий вазифаларни, уларни бажариш усулларини мураккаблаштириб боришни секин-аста амалга оширишни тақозо этади. Масалан, бола бирор нарсани ўзича ҳикоя қилиб бера олмаса, тарбиячи унга мавзуга доир режа беради, кейинчалик ишни мустақил бажаришни топширади. Алоҳида ёндошиш орқали тортинчоқ, суст болалар фаоллаштириб, уларда масъулият хисси тарбияланади. 6-7 ёшли болаларда қўлланиладиган методларнинг ўзига хос томони бор. Кўргазмали методлар бу ерда фақат ҳаракат усулида ишлатилмай, шу билан бирга болаларнинг фикрлаш фаолиятини фаоллаштириш учун ҳам қўлланилади. Масалан, манзарали расм чизиш машғулотида намунани кўрсатишдан машғулотнинг бошида хотирани, хаёл образини жонлантириш учун фойдаланилади, машғулотнинг охирида эса ўзининг бажарган ишини, расмни тўғри бажарганини текшириш учун намуна билан таққослаб кўриш мақсадида фойдаланилади. Билимларни болалар пухта ўзлаштириб олишлари, таълим жараёнини фаоллаштириш мақсадида амалий ва ўйин методларини кўргазмали метод билан тўғри қўшиб олиб боришда оғзаки метод катта аҳамиятга эга. Ўйин методлари, айниқса, дидактик ўйинлар методи ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайди. Чунки таълимий ўйинлар, айниқса, дидактик ўйинлар орқали олиб борилган болалар ўқув вазифасини яхшироқ англаб уларда масъулият хисси таркиб топади, бу улардаги ихтиёрий диққатни оширади, фаолиятни фаоллаштириб, билишга қизиқишни кучайтиради. Ривожлантирувчи таълим принципини амалга оширишда тарбиячининг болалар фаолиятига раҳбарлик ва уни тўғри баҳолаб бориши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки бунда фақат ишнинг натижасигина баҳоланмай, балки бу ишни бажаришда болаларнинг ақлий фаолияти, мустақиллиги, иштиёқ билан, жон-дилдан ҳаракат қилганликлари, масъулият билан ёндашганликлари ҳам эътиборга олинади. Тарбиячи болаларни бажарилган ишларни таҳлил қилишга ўргатар экан, аввало, ўзи намуна беради, кейин режа тузиб беради ва шундан кейин болалар ўзлари ва ўртоқларининг ишини мустақил таҳлил қилиш ва уни баҳолашда масъулият хисси уйғонади. Болалардаги ўз-ўзини текшириш малакасини тарбиялаш учун тарбиячи болаларга ўртоғи ишни қандай бажарганлигини гапириб беришни таклиф этади ва йўл-йўлакай “Сен унинг ишни қандай бажарганини қаердан билиб олдинг?” “Нима учун шундай деб ўйлайсан?” каби саволларни бериб боради. 6-7 ёшли болаларнинг машғулотда уюшқоқлик билан шуғулланишларига талаб ортади. Болаларнинг иш жойини тайёрлаб олиш, керакли материалларни тўғри жойлаштириш, ишни маълум кетма-кетлик билан бажариш каби малакаларни эгаллаб олишлари ақлий меҳнат малакасини шакллантиришда бевосита боланинг масъулияти ортади. Шунинг учун болаларни бўлажак фаолият учун зарур бўладиган ана шу ишларга ўргатиб борилади. Болаларни машғулотлардаги хулқига ҳам талаб ортади. Тўғри ўтириш, ўзини батартиб тутиш, диққат билан қулоқ солиш, бошқаларнинг гапини бўлмаслик, ўртоқларининг жавобини тўлдириш ва бошқалар шулар жумласига киради. Бу ёшдаги болаларга ахлоқий ва меҳнат тарбияси бериш дастури мураккаблашади; ўз тенгдошлари ва катталар билан муносабати шакллантирилади, инсоний ҳисларни тарбиялаш кучайтирилади. Хулқ нормалари қоидаларини эгаллаб олишларига, кундалик ҳаётда учраб турадиган одоб, ахлоқ доирасидаги вазифаларни ҳал қилишга эътибор берилади. Болаларни мактаб ва ўқувчилар ҳаёти билан таништириш. Бошланғич синф ўқитувчиси ва МТТнинг тайёрлов гуруҳи тарбияси тайёрлов гуруҳи болаларини мактаб билан таништириш бўйича экскурсия уюштирадилар. Бундай экскурсиялар йил давомида 3 марта ўтказилиши мумкин. Экскурсия пайтида катта ва тайёрлов гуруҳи болалари мактаб ўқувчилари билан танишадилар, улар МТТ болаларига ўзларининг мактабдаги ўқишлари, ишлари тўғрисида гапириб берадилар; ўқувчилар хонасини қандай безаганликлари, табиат бурчагидаги ўсимлик ва ҳайвонларни қандай парвариш қилаётганликлари, устахонада қандай ишларни бажараётганликларини кўрсатиб, уларда масъулият хисси тарбияланади. Болаларни мактаб ва ўқувчилар ҳаёти билан таништиришнинг иш шакллари: - синфда “Расмга қараб сўзлаб бериш” мавзусидаги дарс - машғулотни бирга ўтказиш; - спорт майдончасида ёки спорт залида мактабдаги жисмоний тарбия машғулотини бирга бажариш; - биринчи синф ўқувчилари ва тайёрлов гуруҳи болалари ишлаган расмларнинг биргаликдаги кўргазмасини

ташкил этиш; - мактаб устахонасида ўқувчиларнинг меҳнат машғулотини кузатиш. Ўқувчилар ўзлари тайёрлаган ўйинчоқларни боғча болаларига совға қилишади; - мактабда ўқиётган болалар ўз боғчасига келишади; - “Мактаб” ўйинини ташкил этиш. Мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиси ва бошлангич синф ўқувчиси фаолиятида изчиллик яққол намоён бўлади. Бири болаларни тарбиялаш ва таълим беришни бошлайди, иккинчиси давом эттиради. Мактаб билан МТТ ўртасидаги алоқа мустаҳкам бўлгандагина бола тарбиясидан кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига тайёрлашнинг шакл ва усуллари Мактабгача таълим тизимида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар мактабгача ёшдаги болаларга таълим беришнинг шакл ва усулларини эркин танлаш имкониятини яратади. Таълим соҳасидаги асосий натижа бола томонидан билимларни қай даражада ўзлаштириб олинганлиги унинг ривожланишига, шахсда интегратив хислатларнинг шаклланишга қанчалик хизмат қилгани билан белгиланади. Болаларни мактаб таълимига тайёрлашда педагог томонидан танлаб олинган таълим услублари интеллектуал жараёнларнинг шаклланишига муаммолар ечимига ижодий ёндашишга, ташаббускорликка, мустақилликка ва масъулиятга, ўз фаолиятини бошқара олишга ўргатиши лозим. Мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига тайёрлашда қуйидаги тамойиллар устувор ҳисобланади: - Шахсга йўналтирилган ёндашув; - Болага йўналтирилган таълимий ёндашув; - Педагогнинг илмий-педагогик- психологик стратегияси; - Ривожлантирувчи ёндашув; - Таълимнинг ривожлантирувчи муҳити; - Ўйин фаолияти; -Инклюзив таълим; - Педагогик диагностика таълими; - Ота-оналар билан ҳамкорликнинг истиқболли шакллари. Шахсга йўналтирилган ёндашув таълим жараёнини ташкил этишнинг асоси сифатида шахснинг жамоа олдидаги устуворликни назарда тутган ҳолда унда инсонпарварлик муносабатларининг шакллантирилишва масъулият хиссини таркиб топтиришнии тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. И.В. Грошева, Л.Г.Евстафева, Д.Т.Махмудова, Ш.Б.Набиханова, С.В. Пак, Г.Е.Джанпеисова ”Илк қадам” давлат ўқув дастури Т: 2018. 1-81-б;
2. Ф.Қодирова, Ш.Тошпўлатова, М.Аъзамова. “Мактабгача педагогика”.-Т., “Маънавият”. 2019
3. Ш.А.Содиқова “Мактабгача педагогика”. “Тафаккур сарчашмалари” Т:. 2013 220
4. Н.М.Қаюмова “Мактабгача педагогика”. “ТДПУ” нашриёти Т:. 2013
5. Гогоберидзе А. Г., Солнцева О. В. Дошкольная педагогика с основами методик воспитания и обучения. Учебник. СПб.: Питер, 2019
6. Козлова С.А. Дошкольная педагогика: учебник М.: Асадемиа, 2017
7. И.О. Карелина Методика обучения и воспитания в области дошкольного оброзования. Учебно – методическое пособие. Рыбинск 2012
8. И.В. Грошева,Е.Ф. Сай, С.С. Миржалолова, Н.И. Медведева “Илм йўли” вариатив дастур. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим Вазирлиги.Т.:2020.
9. Н.Ш. Сыртланова. Дошкольная педагогика. Практическое пособие. Уфа 2016
10. Д.Ш. Мирзаева. Мактабгача педагогика. Дурдона нашриёти. Бухоро 2021
11. И.В. Грошева, К.Т. Олимов, В.А. Назарова, Г.Е. Джанпеисова, У.Т Микаилова, Д.А. Кенжабаева, Н.Б. Гуламова, Н.А. Мифтаева. Кузатиш ва баҳолаш. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим Вазирлиги. Т.:2020 й.
12. А.В. Шин, Ш.Ш. Мирзиёева, И.В. Грошева, У.Т. Микаилова,Ю.Т. Сулейманова, А.Г. Даукаева, Й.Н. Власова, З.Ф. Галимова “Шахсга йўналтирилган ёндашув асосида таълим жараёнини режалаштириш. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим Вазирлиги. Т.:2020 й.
13. И.В. Грошева, Г.Е.Джанпеисова, У.Т. Микаилова, М.А. Исмаилова, Д.А. Кенжабаева, Н.Б. Гулямова, Н.А. Мифтаева “Ўйин орқали таълим олиш”. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим Вазирлиги. Т.:2020 й.